

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги туғрисида маълумотлар

Қорақалпоғистоннинг Амударё бўлимида 1918-йили 30-июнда энг аввал халқ таълими бўлими ташкил этилган ва шу ном билан 1932 йилгача фаолият кўрсатиб келган. 1921-22 ўкув йилида вилоятдаги мактаблар сони 19 га етган. 24 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатган. 1920 йили биринчи марта Тўрткўл шаҳрида коммуна мактаби ўз ишини бошлаган. 1919 йили Тўрткўл шаҳрида биринчи болалар уйи, Хужайли ва Кунғирот шаҳарларида мактаб-интернатлар ташкил этилган.

1924 йили Қорақалпоғистон автономия вилояти тузилгандан бошлаб, 1924-1925 ўкув йилида мактаблар сони 46 та бўлиб, уларда 1759 нафар ўқувчи таълим олган.

1940 йили Республика ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институти ташкил этилиб, у ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини олиб борди.

1988 йилгача маориф вазирлиги бўлиб келган ва 1988-йилдан бошлаб халқ таълими вазирлиги бўлиб қайта ташкил этилган.

Ҳозирги кунда вазирликнинг иш фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида белгиланган кўрсатмалари, топшириқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси бўйруқлари ва Ҳайъат Мажлиси қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширади. Вазирликнинг йиллик иш-режаси Ҳайъат Мажлиси аъзолари, бошқарма ва бўлимлари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, Республика тасарруфидаги таълим муассасалари томонидан киритилган таклифлар асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Вазирлик иш-режаси Ҳайъат Мажлисини ўtkазish режаси, вазир қошидаги ишлаб чиқариш мажлиси режаси, комиссиялар ва бошқа ишчи органлар мажлисларининг тақвимий иш режаларини қамраб олган.

Вазирлик иш-режаси қуйидаги талаблар асосида ишлаб чиқилади:

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижросини таҳлил қилиш;
Пайдо бўлган камчилик ва муаммоларнинг сабабларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш;
Муаммоли масалалар ва келгусидаги вазифаларнинг ижроси бўйича ишлаб чиқилган ва асосланган таклифлар киритиш;

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида белгиланган кўрсатмалари, топшириқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси бўйруқлари ва Ҳайъат Мажлиси қарорларининг ижроси бўйича мониторинг олиб бориш.

Вазирлик таркибида умумий ўрта таълим, мактабгача таълим ва дарсликлар бўлими, маънавий-маърифий тарбия ва спорт бўлими, бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоби бўлими, таълим жараёни таъминлаш бўлими, Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси ва Республика ўқув-методика маркази фаолият кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтган 1997-2005 йиллар мобайнида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларининг ижроси юзасидан муайян ишлар олиб борилди.

2005-2006 ўкув йилида республикада 754 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 324804 нафар ўқувчи таълим-тарбия олиб чиқди. Улардан 10 таси Республика миқёсидаги мактаб-интернатлар булиб ҳисобланади. Мактабгача 406 та болалар боғчасида 32 минг нафар болалар тарбияланмоқда. Республикада «Мехрибонлик уйи» фаолият курсатиб, унда 146 нафар болалар тарбияланмоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида 36584 нафар ўқитувчи булиб, шундан аёллар **27265 (74,5%)** нафар, бошлангич синф ўқитувчилари- **9508** нафар, шундан аёллар **8497 (89,3%)** нафарни ташкил килади. **Маълумот даражаси: 22534 (61,55%)** нафари олий, **1881 (5,1%)** нафари тугалланмаган олий, **12169 (33,2%)** нафари ўрта маҳсус маҳлумотли кадрлардир. **Тоифа таркиби: 2951 (8%)** нафари олий тоифали, **10123 (27,6%)** нафар биринчи тоифали, **10574 (28,9%)** нафар иккинчи тоифали, **12936 (35,3%)** нафар мутахассис кадрлардир. Мактабларда уриндошлиқ қилиб таълим бератганлар сони **79 (0,2)** ни ташкил этади.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Фармонлари асосида ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган укув йилида 9557 нафар ўқитувчига 25 фоиз, тарбия соҳасида эришган ютуқлари учун 10344 нафар ўқитувчига 15 фоиз миқдорида устама ҳақилар белгиланди. Бундан ташқари ўқув-методика ишларини жорий этиш, янги педагогик технологияларни кенг тарғиб қилишдаги хизматлари учун 27 нафар методистга 25 фоиз миқдорида устама ҳақи тўланди.

Хозирги кунда Республикадаги 754 та умумтаълим муассасаларида 3713 ўқувчи ўринлиқ 327 та синф комплект (42 фоиз) компрьютер техникалари билан таъминланган бўлиб, улардан 13 фоизи замонавий русумдаги техникалардан иборат. Ушбу компрьютер техникаларининг 2596 донаси (70 фоизи) яроқли ахволда.

Вазирлик томонидан кейинги уч йилда таълим муассасаларини компрьютер техникалари билан таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2002 йили марказлаштирилган маблағ ҳисобидн 18 та синф комплект, 6 та персонал компрьютерлари, 2003 йили 23 та синф комплект, 5 та персонал компрьютерлари олиниб, таълим муассасаларига ўрнатилган бўлса, 2004 йили 18 та синф комплект, 6 та персонал компрьютер техникалари олиниб ўрнатилди.

Нукус, Тахиатош шаҳарлари, Хўжайли туманларидаги 6 та мактаб ва ҳалқ таълими вазирлиги интернет тармоғига уланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 493-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга киритилган 80 та мактабни 2006 йилда замонавий компрьютер техникалари билан таъминлаш бўйича ишлар олиб борилиб, юқори бошқарув органларига таклифлар берилди. Ушбу қарор асосида 2004-2009 йилларда барча мактабларни компрьютер техникалари билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини йўлга қўйиш, маълумотни ўз вақтида жойларга етказиш ва олиш мақсадида вазирликда ва унинг жойлардаги бўлимларида модем, ва электрон почта, факс орқали алоқалар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йили 21 май куни УП-3431-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармони асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9-июндаги «2004-2009 йилларда мактаб таълими ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари туғрисида»ги 321-сонли қорарига биноан 2004-2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 754 та умумтаълим мактабларидан 626 та мактаб дастурга киритилган булиб, унда 33 та мактаб биносини янгидан қуриш, 230 та мактаб биноларини капитал реконструкция қилиш, 215 мактаб бинолари капитал ҳамда 148 мактаб биносини жорий таъмирлаш белгиланди. Фармонга асосан Дастурни амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир туман, шаҳар бўйича ишларнинг кўламлари ҳамда уларнинг муддатларини аниқ белгилаб олиш ишлари олиб борилди. Фармонга киритилган мактаблар бинолари капитал реконструкция қилиниши, капитал ҳамда жорий таъмирланиши шунингдек, авария ҳолатидан чиқарилиши ҳамда уларнинг жойлашиш карталари, схемаларини ишлаб чиқиш, шу асосда ҳаракатдаги мактабларнинг ўқув жараёнинг зарар келтирмасдан ҳар бир объект бўйича қайта тиклаш ишларини амалга оширишнинг аниқ дастурлари тайёрланди.